


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати
менежменти (қурилиш) бакалавриат таълим йўналишининг малака
талаблари*



Тошкент

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти; .
- "Ўзбекистон миллий метрология институти" ДК.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва професионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17 » 08 даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18 » 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши Малака талабининг кулланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менејменти (қурилиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув вараги.....	9

1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундўзги, кечки ва сирткни таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чикиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) - таълим йўналиши фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида; Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида; Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг “Курилишда стандартлаштириш Республика маркази” ва “Курилиш соҳасида назорат худудий инспекциялари”да, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва унинг худудий марказларида, Сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларида, стандартлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш, метрологик назорат ва текширув, ўлчашлар бирлигини таъминлаш мақсадида метрологик таъминотни ишлаб чикиш. курилиш обьектлари ва технологиялари, маҳсулотларининг сифати, хавфсизлиги ва ракобатбардошлигини таъминлашга оид талабларни

ўрнатувчи меъёрий ҳужжатларнинг назорати ва уларни амалга ошириш соҳасидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, давлат бошқаруви органлари ҳар хил шаклдаги қурилиш ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва улардан фойдаланувчи ташкилотлар.

1.2.2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- ўлчаш назарияси, усуллари ва воситалари, ўлчашлар натижаларини қайта ишлаш ва баҳолаш;
- қурилиш материали ва буюмлар сифати ва хавфсизлигига қўйиладиган талаблар, стандартлаштириши ташкил этишини назорат қилиш;
- физик катталиклар бирлиги эталонлари ва бу бирликларни ўлчашнинг намунавий воситаларидан ишчисига ўтказиш усуллари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини метрологик таъминлаш;
- меъёрий ҳужжатлар, қурилиш материали ва буюмлар сифатини синаш ва назорат қилиш;
- қурилиш соҳасида сифат менежменти тизими, метрология, стандартлаштириши ва сертификатлаштириш;
- қурилишда метрологик таъминот, қурилиш маҳсулотлари ва хизматлари, маҳсулотни сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш.

1.2.3. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- лойиҳавий-конструкторлик;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

1.2.4. 60711300 - Метрология, стандартлаштириши ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиривчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- ўлчаш, назорат ва синов воситаларини лойиҳалаштириш мақсадида дастлабки ахборот маълумотларни таҳлил қилиш ва йиғиш;
- техник топширикларга мувофиқ равишда тадқиқ қилинаётган қурилиш конструкциялари ва уларнинг элементларини ҳисоблаш ва лойиҳалаштириш ишларида иштирок этиш;
- ишчи лойиҳа ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тутатилган лойиҳа конструкторлик ишларини, улардаги лойиҳалар ва техник ҳужжатларни стандартлар, техник шартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш;
- конструкторлик ва технологик ҳужжатларни метрологик экспертизасини ўтказиш;
- лойиҳалаш қарорларни дастлабки техник-иктисодий асослаб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

- стандартлар лойиҳаларини, услубий ва меъёрий материалларни, техникавий хужжатларни ишлаб чиқишида, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишида қатнашиш;
- ўрнатилган талабларга, амалдаги меъёрлар, қоидалар ва стандартларга риоя қилишини назорат қилиш;
- сифатни бошқариш тизимларини амалда ўзлаштиришида қатнашиш;
- метрологик таъминот ва техник назорат бўйича ишлар олиб бориш; замонавий ўлчаш, синаш ва назорат усулларидан ҳамда маҳсулот сифат бошқарувидан фойдаланиш;
- курилиш материаллари ва буюмларининг дефектлилик даражасини баҳолаш, унинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш ва оддини олиш ҳамда бартараф этиш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- курилишда буюмлар, технологик жараёнлар, хизматлар, ишлаб чиқарилар, сифат тизимлари ва корхонанинг экологик бошқарув тизимларини сертификацияни ўтказишида иштирок этиш;
- конструкторлик ва технологик хужжатлар таркибига кирадиган режалар, дастурлар ҳамда назоратлар, синовлар ва ўлчашларни бажариш методикалар, асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш бўйича йўрикномалар ва бошқа матнли ҳужжатларни ишлаб чиқишида қатнашиш;
- бажарилган ишларни экологик хавфсизлиги талабларига риоя қилишини назорат қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини режалаштиришида қатнашиши, корхонада (ташкилотда) кўлланиладиган стандартлар, меъёрлар ва бошқа ҳужжатларни амалдаги ҳудудий актларга ва техник жиҳатдан тартибга солиш ривожланишнинг илғор тенденцияларига мувофиқлигини мунтазам равишида текшириш;
- курилиш сифатини ошириш ва назорат қилиш, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш, синовлар, эксплуатация ва утилизациянинг метрологик таъминотини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиши;
- сифат менежменти тизимларини, рекламация ишларини амалга ошириши, янги назорат ўлчаш техникасини жорий қилиш режаларини тайёрлашда, сертификатлаш талабномаларини тузишида иштирок этиш;
- техник воситаларни, тизимлар, жараёнлар, асбоб-ускуналар ва материалларни сертификатлашга тайёрлаш ишларида иштирок этиш;
- сертификатлаштириш идораларини, ўлчаш ва синов лабораторияларини аккредитациясини ўтказишида иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш бўлинмалар фаолияти натижаларини таҳлил қилиш; сифат бошқаруви бўйича техникавий ва ташкилий-иктисодий ечимларни танлаш ва асослаш мадсадида дастлабки маълумотларни тайёрлаш;
- белгиланган муддатларда ва тасдиқланган тартиб бўйича иш графикларини, талабномаларни, йўрикномаларни, тушунтириш хатларни, схемалар ва бошқа техник ҳужжатларни ҳамда расмий ҳисботларни тузиш;
- зарур маълумотлар, техник маълумотлар, кўрсаткичлар ва иш натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириши амалга ошириш, зарур ҳисбоб-китобларни замонавий техник воситалардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлап ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишланини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш. ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисбот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга багишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича ахборотларни йигиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши керак.

2. 60711300 - Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (курилиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежменти соҳасига доир муаммоларни ва жараёнларни мустақил таҳтил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурӣ билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиши, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўнікмаларига эга бўлиш;
- метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежментини ташкил этиш ва кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўнікмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар. ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- стратегик ва бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликини таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўнікмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар

фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежментини ташкил этишда бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежментини бошқарув маълумотлари асосида бошқариш ва қарорларни қабул қилиш уқувига эга бўлиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш, яратиш ва ривожлантириш учун кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040,01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, метрология, ўлчаш техникаси, ўлчаш бирлиги, ўлчаш воситаси, ҳатоликлар, намунавий ўлчаш воситаси, ишчи ўлчаш воситалари, метрологик таъминот, этalon, стандарт намуна, стандарт, стандартлаштириш, стандартлаштириш давлат тизими, сертификат, сертификатлаштириш, сертификатлатириш миллий тизими, маҳсулот сифати, сифат менежмент тизими, сифатни бошқариш, ўлчаш ўзгарткичлари, ўлчаш техникаси, меъёрий ҳужжатлар, техник регламент, меъёрий назорат, аттестация, аккредитация, ўлчаш воситаларини қиёслаш, синов ва синов қурилмалари, маҳсулот сифати назорати, ўлчаш қурилмалари элементлари, ўлчашлар ва текширишлар турлари, дефект, қурилиш материали дефекти, қурилиш конструкцияси дефекти, қурилишда рухсат этилган чекловлар, чекловларни тадқиқ этиш, техник диагностика, шикастланиш, бузилиш, авария ҳолатларини ўрганиш, объектларни текшириш, лойиҳалар экспертизаси, қурилиш назорати.

фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежментини ташкил этишда бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда микдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифат менежментини бошқарув маълумотлари асосида бошқариш ва қарорларни қабул қилиш укувига эга бўлиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш, яратиш ва ривожлантириш учун кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040,01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, метрология, ўлчаш техникаси, ўлчаш бирлиги, ўлчаш воситаси, хатоликлар, намунавий ўлчаш воситаси, ишчи ўлчаш воситалари, метрологик таъминот, этalon, стандарт намуна, стандарт, стандартлаштириш, стандартлаштириш давлат тизими, сертификат, сертификатлаштириш, сертификатлатириш миллий тизими, маҳсулот сифати, сифат менежмент тизими, сифатни бошқариш, ўлчаш ўзгарткичлари, ўлчаш техникаси, меъёрий хужжатлар, техник регламент, меъёрий назорат, аттестация, аккредитация, ўлчаш воситаларини қиёслаш, синов ва синов курилмалари, маҳсулот сифати назорати, ўлчаш курилмалари элементлари, ўлчашлар ва текширишлар турлари, дефект, курилиш материали дефекти, курилиш конструкцияси дефекти, курилишда рухсат этилган чекловлар, чекловларни тадқиқ этиш, техник диагностика, шикастланиш, бузилиш, авария ҳолатларини ўрганиш, обьектларни текшириш, лойиҳалар экспертизаси, курилиш назорати.

КЕЛИШУВ ВАРАФИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент архитектура-қурилиш институти;



Р.Р.Хакимов

202 йил «___»

M.Y.

"Ўзбекистон миллий метрология институти" ДК



Л.Ф. Сандоринов


202 йил «___»

M.Y.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга
максус таълим вазирлиги хузуридаги
Олий таълимини ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

 М. Эсонов

202 йил «___»

M.Y.

Ислом Каримов номидаги Тошкент
давлат техника университети



С.М. Турабджанов

"Стандартлаштириш,
сертификатлаштириш ва техник
жизний тартибга солиш илмий
тадқиқот институти" давлат муассаси



А.Х.Хамдамов

202 йил «___»

M.Y.